



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI**

100163, Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 6

2022 yil « 5 » январь 08-24 son

**Ўзбекистон Республикаси
Санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи
Б.Қ. Юсупалиевга**

нусахаси:

**Қорақалпоғистон тиббиёт
институтига**

Хурматли Баҳодир Қахрамонович!

2021 йилнинг 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли қарори имзоланди.

Ушбу қарорнинг 3-бандига мувофиқ, 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилаётган 35 та давлат олий таълим муассасасида васийлик кенгашлари тугатилиб, таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва хомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сонли қарори билан Кузатув кенгашларининг асосий ваколатлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан Сизнинг номзодингиз Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг Кузатув кенгаши раислигига тавсия этилмоқда.

Шу муносабат билан, Сизнинг юқорида келтирилган қарорлар доирасида Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг Кузатув кенгашини ташкил этиш, институтнинг барқарор ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда унинг мамлакатимиздаги етакчи тиббий олий таълим

муассасасига айланиши билан боғлиқ чора-тадбирларга раҳбарлик қилишингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон тиббиёт институти томонидан ҳамкорликда тайёрланган институтнинг тавсиявий Кузатув кенгаши таркиби илова қилинади.

Илова 3 варақда.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти маслаҳатчиси**



А.Абдувахитов

**Қорақалпоғистон тиббиёт институти Кузатув кенгаши
ТАРКИБИ**

| Ф.И.Ш. | Лавозими | Расми |
|--------------------------------------|--|---|
| Юсупалиев Баҳодир Қахрамонович | Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи, <i>Кузатув кенгаши раиси</i> |  |
| Ерлепесов Нуруллан Умирзакович | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, <i>Кузатув кенгаши раиси</i> <i>ўринбосари</i> |  |
| Жалменов Улықбек Абылаевич | Қорақалпоғистон қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси |  |
| Каюпов Нурсултан Сакенович | Қорақалпоғистон Республикаси инновацион ривожланиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи |  |
| Бегалиев Саламат Махсетбаевич | Республика тез тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази Нукус филиали директори |  |

| | | |
|--|---|---|
| <p>Ешанов Марат Қадирбергенович</p> | <p>Республика дерматовенералогия ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали бош шифокори</p> |  |
| <p>Бабажанов Мурат Айтекович</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Ҳудудий перинатал маркази бош шифокори</p> |  |
| <p>Бекбаева Даметкен Жанъабаевна</p> | <p>Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари</p> |  |
| <p>Панаев Кутлымурат</p> | <p>“PANAEV FARMS” ФХ раҳбари</p> |  |
| <p>Жанибеков Жанабай Жумабаевич</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори</p> |  |

Атаниязова Орал
Аминовна

Қорақалпоғистон тиббиёт институти
ректори, *Кузатув кенгаши котиби*

